
ВИЛОЯТ ҲОКИМИ НАВБАТДАГИ ФУҚАРОЛАР ҚАБУЛИНИ ЎТКАЗДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров мутасадди ташкилотлар раҳбарлари иштирокида навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди.

Қабул давомида моддий ёрдам, даволаниш, уй-жой таъмири, кредит, бандлик, тадбиркорлик, ер муносабатлари каби бошқа масалалар бўйича фуқароларнинг 40 га яқин мурожаатлари тингланди.

Мурожаатларнинг 21 таси жойида ҳал қилинди, баъзи масалалар юзасидан масъулларга муддат белгиланган ҳолда топшириқлар берилиб, ижроси назоратга олинди.

Ҳар ҳафта ташкил этилаётган қабуллардаги мурожаатларнинг тўлиқ ечим топиш чоралари кўрилмоқда.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2024-10-07 11:55:08